



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING
QARORI

*O‘zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko‘chasi 2-uy,
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255*

2021 йил “ 3 ” сентябр

№ 175

Yangibozor tumani

Янгибозор туманининг “Юқори-Бошқир” маҳалласида яшовчи фуқаро Болтаев Ғайратга сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-,53-моддалари, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, “Юқори-Бошқир” маҳалласида яшовчи фуқаро Болтаев Ғайратнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризаси асосида ўтказилган очик танлов якунларига кўра, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг ҳулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-,10-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси томонидан лойиҳалаштирилган участкаларида фермер хўжалиги ташкил этиш бўйича ўтказилган очик танлов якунлари бўйича қабул қилинган комиссия қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. “Юқори-Бошқир” маҳалласида яшовчи фуқаро Болтаев Ғайратга Хоразм ҳудудининг туман ҳокими захираси ҳисобидаги 7-,10-,10а-,27к-контурларда жойлашган умумий ер майдони **16,9** гектар, шундан суғориладиган экин ери **15,7** гектар, ариқ ва зовурлар **1,2** гектардан иборат ер участкаси сабзавотчилик ва полизчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Янгибозор тумани Хоразм ҳудудининг “Юқори-Бошқир” маҳалласида яшовчи фуқаро Болтаев Ғайратга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фуқаро Болтаев Ғайрат ўртасида тузиладиган ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер майдонларини

далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Фуқаро Ғ.Болтаевга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;
- бизнес режада белгиланган экин турларини тўлиқ экиб, ҳосилдорликни ошириб бориш ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш;
- ҳудудий статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу қарорга асосан, туман қишлоқ хўжалиги, давлат статистика, давлат солиқ инспекцияси ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Ушбу қарор халқ депутатлари туман кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

8. Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими **В.В.Б**



Ж.Холметов